

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

МАМАТОВ БАХРОМЖОН ШАВКАТ ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ
ЖАРАЁНИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ
КЕНГАЙТИРИШ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation Abstract of the doctor of philosophy (PhD)
in economic sciences**

Маматов Бахромжон Шавкат ўғли

Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнига
хорижий инвесторларни жалб қилишни кенгайтириш..... 3

Маматов Бахромжон Шавкат угли

Расширение привлечения иностранных инвесторов в процесс
приватизации государственной собственности в Узбекистане..... 25

Mamatov Bakhromjon Shavkat ugli

Expanding the attraction of foreign investors in the process of
privatization of state property in Uzbekistan..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.I.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

МАМАТОВ БАХРОМЖОН ШАВКАТ ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ
ЖАРАЁНИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ
КЕНГАЙТИРИШ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/Iqt802 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.dba.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Ашурова Насиба Батировна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: Хамидуллин Михаил Борисович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Алиев Улугбек Маннонович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги илмий даражалар берувчи DSc.20/13.05.2020.1.23.01 ракамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» сентябри соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (12 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри Ислоҳ Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (99871) 232-60-47, факс: (99871) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «12» сентябри кунлари тарқатилди.

(2021 йил «12» сентябри даги 7 рақамли реестр баённомаси).

Ш.А. Тошматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

А.Х. Исламқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Д.Н. Раҳимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хузуридаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда давлат корхоналарини хусусийлаштиришга хорижий инвесторларни жалб қилиш орқали иқтисодда таркибий ўзгаришларга эришиш юзасидан қатор чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқаришни замонавий талаблар асосида ташкил этиш, давлат иштирокидаги корхоналарни трансформация қилишда хорижий инвесторларнинг кенг иштирокини таъминлаш, давлат улушининг қисқариши баробарида, хусусий мулкдорлар улушининг ўсишига эришилмоқда. Хусусан, халқаро майдонда фонд биржаси листингидан ўтган компаниялардаги мулкдорлар улушининг таҳлили кўрсатишича, «Австралияда давлат улуши-4%, хорижий инвесторлар улуши-31%, мазкур пропорция Японияда-5/30, Нидерландияда-1/41 улушни ташкил этган»¹.

Жаҳонда давлат корхоналарининг хорижий инвесторлар учун жозибadorлигини оширишда корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартларини татбиқ қилиш, хусусийлаштирилаётган давлат корхоналари томонидан депозитар тилхатлар эмиссия қилиш ва жаҳон фонд биржаларига жойлаштириш орқали хорижий инвесторларни жалб қилишни кенгайтириш, давлат корхоналарининг акцияларини сотиш нархини белгилашда йирик харидорларга чегирмалар тақдим этиш, хорижий инвестицион банклар ва фондларни потенциал инвесторлар сифатида давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнига жалб қилишда инвестициявий тизерлардан фойдаланиш борасида кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «давлат мулкани хусусийлаштиришни янада кенгайтириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш»²вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифанинг бажарилиши давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнларига хорижий инвесторларни жалб қилиш амалиётини ривожлантириш масалаларинг ҳозирги кундаги долзарб муаммоларидан бирига айлантормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чоратадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 11 октябрдаги ПФ-5552-сон «Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 19 февралдаги ПФ-5666-сон «Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-

¹De La Cruz, A., Medina, A., & Tang, Y. (2019). Owners of the World has Listed Companies, *OECD Capital Market Series*, Paris. <https://www.oecd.org/corporate/Owners-of-the-Worlds-Listed-Companies>.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон.

тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат мулкани хусусийлаштиришга хорижий инвесторларни жалб қилишга оид тадқиқотлар хорижлик олимлар Л.Абалкин, Р.Бердиев, А.Элмурзаев, А.Городецкий, Р.Нуреев, Э.Савас, Э.Склар, Ҳ.Сото, В.Тамбовцев, У.Шарп, Ю.Швирков, А.Шулус, Л.Якобсонлар томонидан амалга оширилган³.

Маҳаллий олимлардан Ш.Ахмаджанов, И.Бутиков, Д.Рустамова, А.Собиров, А.Хақимов, М.Хамидулин, В.Чжен, Қ.Юлдошев, Н.Хайдаров, Э.Хошимов, Д.Ғозибекларнинг илмий ишларида давлат мулкани хусусийлаштиришга хорижий инвесторларни жалб қилишнинг устувор йўналишлари бевосита ва билвосита тадқиқ қилинган⁴.

³Абалкин, Л.И. (2007). Стратегический ответ России на вызовы нового века; Бердиев Р.Б. Роль приватизации в привлечении иностранных инвестиций: на материалах Республики Таджикистан. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Душанбе, 2006. – 26 с.; Элмурзаев А.Э. Приватизация в России и за рубежом: сравнительный анализ. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва, 2006. – 28 с.; Городецкий, А.Е. (2017). Некоторые аспекты экономической теории государства. В серии «Научные доклады Института экономики РАН». – М.: Институт экономики РАН; Нуреев, Р.М. (2005). Теория общественного выбора. – М.: ГУ-ВШЭ, 6; Savas, E.S. (1987). Privatization: the key to better government (Chatham House: Chatham, NJ); Sclar, E. (2001). You do not always get what you pay for: The economics of privatization. Cornell University Press; De Soto, H. (2000). The mystery of capital: Why capitalism triumphs in the West and fails everywhere else. Civitas Books; Тамбовцев, В.Л. (1997). Государство и переходная экономика: пределы управляемости; Sharpe W. Investment. Prentice Hall, 1995. – P.1058; Швирков Ю.М. (2007). Государственное индикативное планирование: теория, история, современная практика; Shulus, A.A. (1995). Constructing a New Political Process: The Hegemonic Presidency and the Legislature, 28 J. Marshall L. Rev. 787 (1995). The John Marshall Law Review, 28(4), 3; Якобсон Л.И. Основы теории государственных финансов: учебник для вузов. – М.: Аспект Пресс, 1996.

⁴Ахмаджанов Ш.Х. Хусусий секторни самарали молиялаштириш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2007. – 24 б.; Бутиков И.А. Приватизация и формирование многоукладной экономики в Узбекистане. Доклад на международной конференции «Социально-экономическая трансформация в странах СНГ: достижения и проблемы», – Москва, 2004 –176 с.; Рустамова Д.Д. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2007. – 24 б.; Собиров А.А. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий инвестициялар жалб этишни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш (хусусийлаштириладиган корхоналар маълумотлари асосида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2007. – 24 б.; Хақимов А.Ф. Хусусийлаштириладиган мулкнинг бозор қийматини баҳолаш усулларини такомиллаштириш (Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириладиган корхоналар мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент 2005. – 25 б.; Хамидулин М. Б. (2016). Проблемы и перспективы привлечения иностранных инвестиций в корпоративный сектор Узбекистана. Теория и практика современной науки, (3), 533-539; Чжен В.А. Рыночная

Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий изланишларга қарамасдан, айнан давлат мулкани хусусийлаштиришга хорижий инвесторларни жалб қилишни кенгайтириш масалалари комплекс ва тизимли тарзда тўлиқ ўрганилмаган. Мазкур ҳолат диссертация ишида тадқиқ этилган илмий-амалий муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг долзарблик даражасини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнига хорижий инвесторларни жалб қилишни кенгайтиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат мулкани хусусийлаштиришга хорижий инвесторларни жалб қилишнинг назарий-ҳуқуқий асосларини тавсифлаш;

хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва инвесторларга яратилган имтиёзлар хусусиятларини танқидий таҳлил қилган ҳолда уларга баҳо бериш;

давлат мулкани хусусийлаштиришнинг институционал асослари ва тенденцияларини баҳолаган ҳолда, келгусидаги йўналишларни тадқиқ қилиш;

давлат мулкани хусусийлаштиришга хорижий инвесторларни жалб қилишнинг амалдаги механизмини баҳолаш, мавжуд муаммоларни тизимлаштириш;

давлат мулкани хусусийлаштиришга хорижий инвесторларни жалб қилишнинг илғор тажрибаси асосида Ўзбекистондаги мавжуд механизмни такомиллаштириш бўйича муаллифлик ёндашувларини баён этиш;

халқаро капитал бозорларидан хусусийлаштирилаётган корхоналарга хорижий инвесторларни жалб қилишни кенгайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида давлат мулкани хусусийлаштиришга хорижий инвесторларни жалб қилиш механизми танланган.

Тадқиқотнинг предмети давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвесторлар жалб қилишни кенгайтиришда юзага келадиган молиявий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

инфраструктура Ўзбекистана. – Ташкент, 1996. – 73с.; Юлдошев Қ.М. Ўзбекистон Республикасида хусусий сектор тараққиётининг молиявий муамолари ва уларни ҳал этиш йўналишлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Наманган, 2010.– 25 б; Ҳайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари (хорижий инвестицияли корхоналар мисолида). Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун докторлик диссертацияси автореферати. – 24 б.; Ғозибеков Д.Ғ. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола Тошкент, «ИҚТИСОД-МОЛИЯ» нашриёти, 2007. – 92б.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацион тадқиқот жараёнида тўпланган статистик маълумотларни гуруҳлаш, таққослаш, қайта ишлаш, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил қилиш, иқтисодий-математик ва корреляцион-регрессион усуллардан фойдаланилган

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хорижий инвестицион банклар ва фондлар билан инвестициявий ҳамкорликни ривожлантиришда инвестициявий солиқ кредитларини тақдим этиш орқали хорижий инвесторларни хусусийлаштириш жараёнига жалб қилиш зарурлиги илмий асосланган;

хусусийлаштирилаётган давлат корхоналарига хорижий инвесторларни жалб қилишда депозитар тилхатлар эмиссия қилиш ва жаҳон фонд биржаларига жойлаштириш мақсадга мувофиқлиги илмий асосланган;

хорижий инвесторларни хусусийлаштиришга кенг жалб қилишни кенгайтириш мақсадида, хўжалик субъектлари кузатув кенгашлари таркибини шакллантиришда «хедхантер» тизимидан фойдаланиш зарурлиги илмий асосланган;

хорижий инвестицион банклар ва фондларни потенциал инвесторлар сифатида давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнига жалб қилишда инвестициявий тизерлардан фойдаланиш хорижий инвесторларни жалб қилишга хизмат қилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хорижий инвесторларни хусусийлаштириш жараёнига жалб қилишда хорижий инвестицион банклар ва фондларга инвестициявий солиқ кредитларини тақдим этиш зарурлиги тақлиф этилган;

хусусийлаштирилаётган давлат корхоналари томонидан депозитар тилхатлар эмиссия қилиш ва жаҳон фонд биржаларига жойлаштириш хорижий инвесторларни жалб қилишни омили сифатида илмий асосланган;

хўжалик субъектлари кузатув кенгашлари таркибини шакллантиришда «хедхантер» тизимидан фойдаланиш орқали хорижий инвесторларни хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб қилишнинг мақбуллиги исботланган;

давлат мулкани хусусийлаштиришга инвесторларни жалб қилишда хўжалик субъектлари молиявий натижаларининг муҳим таҳлилий кўрсаткичи сифатида инвестициявий тизерни потенциал инвесторларга тарқатиш усули асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотида олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги ишда ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалардан олингани, шунингдек, чиқарилган хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган тақлифлар давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнига хорижий инвесторларни жалб қилишни кенгайтиришга қаратилган назарий ва ташкилий-услугий жиҳатларни халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга

хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан давлат мулкани хусусийлаштиришга хорижий инвесторларни жалб қилишни кенгайтиришга доир дастурлар ва истиқболдаги режаларни ишлаб чиқишда, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнига хорижий инвесторларни жалб қилишни кенгайтириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнига хорижий инвесторларни жалб қилишда хорижий инвестицион банклар ва фондларга инвестициявий солиқ кредитларини тақдим этишга доир таклифидан Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-598-сон «Инвестициялар ва инвестицион фаолият тўғрисида»ги Қонунини ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқук масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 6 мартдаги 5-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида, Қонуннинг 35-моддаси солиқ кредити солиқ муддатини ўзгартириш шакли бўлиб, инвестор кейинчалик бўлиб-бўлиб тўлаши мумкинлиги мазмунида бойитилишига эришилган;

хусусийлаштирилаётган давлат корхоналари томонидан депозитар тилхатлар эмиссия қилиш ва жаҳон фонд биржаларига жойлаштириш орқали хорижий инвесторларни жалб қилишни кенгайтириш бўйича таклифидан Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги томонидан «Капитал бозорини ривожлантиришнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини» ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 5 февралдаги 01-02/06-177-сон маълумотномаси). Натижада, Тошкент республика фонд биржаси савдо айланмасининг 2019 йилга нисбатан 2020 йилда 110,6%га ўсишига эришилган;

хўжалик субъектлари кузатув кенгашлари таркибини шакллантиришда «хедхантер» тизимидан фойдаланиш бўйича берилган таклифдан Ўзбекистонда хўжалик субъектларининг корпоратив бошқарувни кенг қўллашга оид меъёрий-ҳуқуқий базасини ривожлантириш ва «Дехқонобод калий заводи» АЖда корпоратив бошқарув меъёрларини қўллашни кенгайтиришга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқук масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 6 мартдаги 5-сон ва «Дехқонобод калий заводи» АЖнинг 2020 йил 9 июлдаги 01/2135-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида, «Дехқонобод калий заводи» АЖнинг 2018 йил учун корпоратив бошқарув тизимининг якуний даражаси 2017 йилга қараганда 30 баллга ошиб 190 баллни ташкил этган;

хорижий инвестицион банклар ва фондларни потенциал инвесторлар сифатида давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнига жалб қилишда инвестициявий тизерлардан фойдаланиш бўйича берилган таклифидан

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги «Инвестициялар ва инвестицион фаолият тўғрисида»ги ЎРҚ-598-сон Қонунини ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2020 йил 6 мартдаги 5-сон маълумотномаси). Натижада, Қонуннинг 27-моддаси 7-банди “тегишли ҳудуднинг чет эл банклари, фондлар, агентликлар ва компаниялар билан инвестициявий ҳамкорлик йўналишларини ўзаро манфаатли асосда ривожлантириш ва диверсификация қилиш” мазмунида бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан, 3 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 124 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланиб, уларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнига хорижий инвесторларни жалб қилишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида, давлат мулкани хусусийлаштиришнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва назарий асослари танқидий ўрганилган, хорижий инвесторларни хусусийлаштириш жараёнига жалб этишнинг иқтисодий моҳиятини замонавий тенденциялари ёритилган, давлат мулкани хусусийлаштиришга хорижий инвесторларни жалб қилишнинг илғор хориж тажрибаси тавсифлаб берилган.

Давлат мулкани хусусийлаштириш, мулкий муносабатларни ислох қилиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш иқтисодиётдаги бошқа муҳим муаммолар қаторида устувор аҳамият касб этади.

Илмий изланишларда, Савас, Эллиот ва Склар каби олимларнинг хусусийлаштиришга оид назарий ва эмпирик тадқиқотларида қайд этилишича, «хусусий корхоналар давлат корхоналарига қараганда

самаралироқ, чунки хўжалик юрителиши жихатидан тежамли, меҳнат унумдорлиги юқори ва қонунчилик чекловлари кам ҳисобланади»⁵.

Хусусийлаштириш иқтисодийнинг реал сектори самарадорлигини оширишга ва иқтисодий фаолиятнинг тубдан янги тузилмасини яратишга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотлардан бири бўлиб, ушбу жараёнга хорижий инвесторларни жалб қилиш хусусийлаштириш мақсадларига эришиш имкониятларини оширувчи омиллардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев: «Давлат иштирокини ҳеч зарурат бўлмаган соҳаларда ҳам сақлаб турибмиз. Давлат корхоналарини бошқариш, фаолияти самарасини ошириш, уларнинг функцияларини хусусий секторга бериш бўйича ҳали сезиларли ўзгаришлар бўлмади»⁶, деб таъкидлаган.

Халқаро амалиётда хусусийлаштиришнинг икки турини ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчи тури 70-йилларнинг иккинчи ярмида бошланган. У ўтган асрда мавжуд бозор ва рақобатбардош тузилма доирасида амалга оширилган. Иккинчи тури, XX-асрнинг охирига келиб, марказлаштирилган иқтисодийдан бозор иқтисодиётига ўтишда қўлланила бошлаган.

1-жадвал

**Жаҳонда амалга оширилган хусусийлаштириш дастурлари бўйича
етақчи мамлакатлар рейтинги⁷**

Мутлақ миқдорда хусусийлаштириш рейтинги		Нисбий миқдорда хусусийлаштириш рейтинги	
Мамлакатлар	млрд. АҚШ доллари	Мамлакатлар	ЯИМга нисбати, % да
Франция	98,2	Словакия	13,5
Италия	69,6	Чехия	9,2
Германия	65,0	Финландия	8,7
Япония	33,2	Исландия	8,6
Туркия	25,0	Венгрия	6,9
Нидерландия	23,1	Греция	4,8
Австралия	20,0	Туркия	4,7
Англия	18,4	Португалия	4,4
Финландия	18,3	Франция	4,4
Швеция	16,0	Польша	4,3

1-жадвал маълумотларига кўра, Финляндияда хусусийлаштириш дастурларининг умумий қиймати ЯИМнинг 8,7 фоизини ташкил қилган. Франция, Италия, Германия ва Япония мамлакатларда хусусийлаштириш дастурлари изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Ушбу мамлакатлар жаҳон инвестициялар бозорига кучли интеграцияланган бўлгани учун уларнинг бой тажрибасидан Ўзбекистонда давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнига хорижий инвесторларни жалб қилишни


⁵ Savas, E.S. (1987). Privatization: the key to better government.,(Chatham House: Chatham, NJ)

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш натижадорлиги ва бу йўналишдаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилишидаги нутқи // <https://president.uz/uz/lists/view/3130>

⁷ Privatization in the 21st Century: Recent Experiences of OECD Countries Report on Good Practices January 2009

кенгайтириш имкониятларини яратишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жаҳонда амалга оширилган хусусийлаштириш дастурлари капитал бозорининг ихтисослашган институтлари ёрдамида молиялаштирилган. Хусусийлаштиришга инвестиция фондларини жалб қилиш амалиёти дунё мамлакатларида кенг қўлланилади. Мазкур жараённи қуйидаги 1-расм маълумотлари асосида таҳлил қиламиз.



1-расм. Инвестиция фондларининг хусусийлаштириш ва инфраструктурага киритган инвестициялари, млрд.долл ҳисобида⁸

1-расмга кўра, АҚШда инвестиция фондларининг хусусийлаштириш ва инфраструктурага киритган инвестициялари 70,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этган ҳолда етакчилик қилаётган бўлса, Жанубий Корея ва Швеция каби давлатларда, мос равишда, 9,5;7,2 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритилган.

Ўзбекистонда ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган иқтисодий ислохотларни амалга оширишда стратегик хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда давлат корхоналарини трансформация қилишнинг муваффақиятли амалга оширилишида иккиламчи қимматли қоғозлар бозори муҳим саналади. 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, давлат тасарруфида бўлган акцияларининг номинал қиймати 127 трлн. 594 млрд. сўмни ташкил қилган⁹.


Муаллиф фикрича, қимматли қоғозлар мунтазам равишда котировка қилинадиган ва капиталлашувнинг юқори даражасига эга иккиламчи фонд бозорининг мавжуд бўлиши стратегик инвесторларни бирламчи қимматли қоғозлар бозорига жалб қилишни кенгайтиришга хизмат қилади.

⁸Annual privatization report: transportation finance 2019. Reason Foundation.

⁹ «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» давлат корхоналари фаолиятининг 2020 йил натижалари. <http://www.deponet.uz/page/itogi-devatelnosti-gosudarstvennogo-predprivativa-centralnyy-depozitariv-cennyh-bumag-za-2020-g>

Хорижий тажрибанинг кўрсатишича, жамоавий инвестиция фондсиз қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини самарали ривожлантириб бўлмайди. Таҳлилларга кўра, саноатлашган ривожланган мамлакатларда инвестицион фондлар, суғурта компаниялари, банклар ва пенсия фондлари қимматли қоғозлар бозорида инвестициявий тизерлар бўлиб, тахминан 10 трлн.долларга яқин маблағлар давлат корхоналарининг акцияларини сотиб олишга йўналтирилади.

Ўзбекистонда инвестиция фондлари портфелининг фонд бозоридаги иштироки паст даражада сақланиб қолмоқда. Буни қуйидаги 2-расм маълумотларида кўриш мумкин.



2-расм. Инвестиция фондлари портфелининг ўзгариши, млрд.сўм ҳисобида¹⁰

2-расм маълумотларига кўра, инвестиция фондлари портфели 2012 йилда 5,5 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2020 йил якунларига кўра, 6,9 млрд.сўм бўлган. Мазкур ҳолат Ўзбекистон фонд бозорининг қонунчилик базаси ва инфраструктураси такомиллаштирилганига қарамасдан, жамоавий инвестиция, андеррайтинг, маркет мэйкинг каби функцияларни бажарувчи институционал инвесторлар мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

Республикада инвестиция фондлари давлат корхоналарини трансформация қилиш дастурларини амалга ошириш учун етарли профессионал кўникма ва молиявий активларга эга эмас. Шу боис, хорижий инвесторларни хусусийлаштириш жараёнига жалб қилишда депозитар тилхатларни эмиссия қилган ҳолда хорижий инвестицион банклар ва инвестицион фондлар билан инвестициявий йўналишда ҳамкорликни ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг иккинчи боби «Ўзбекистонда давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнига хорижий инвесторларни жалб қилишнинг амалдаги ҳолати» таҳлиliga бағишланган бўлиб, Ўзбекистонда амалга оширилган хусусийлаштиришнинг институционал асослари ва тенденциялари таҳлили тадқиқ қилинган, хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвесторлар иштироки ҳолати таҳлил қилинган, давлат ва хусусий сектор корхоналарида инвестицион қўйилмалар самарадорлиги таҳлиллари ва иқтисодий математик моделлаштириш асосида хусусийлаштирилган давлат активларини баҳолаш услуби тавсифланган.

¹⁰ www.deponent.uz – Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси расмий веб-сайти маълумотлари

Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёни иқтисодий ислохотлардаги устуворлигини сақлаб қолган. Хусусийлаштириш жараёни бир нечта босқичда амалга оширилган. Аммо йирик бизнес вакиллари хусусийлаштириш масаласи бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатда 599 та акциядорлик жамияти мавжуд бўлиб, уларнинг устав капиталидаги давлат улуши жами акциядорлик капиталининг 85 фоизидан кўпроқни ташкил этади. Давлат улушини қисқартиришда хусусийлаштиришга хорижий инвесторларни жалб қилишдан кенгрок фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Лекин мазкур ҳолатнинг талаб даражасида эмаслиги 2-жадвал маълумотлари асосида таҳлил қилинган.

2-жадвал

Давлат мулкани хусусийлаштиришга хорижий инвесторларни жалб қилиш ҳолати¹¹


Йиллар	Хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони		Давлат активларини сотишдан тушган тушум		Хорижий инвесторларга сотилган давлат активлари	
	бирлик	ўзгариши, %	млрд.сўм	ўзгариши, %	бирлик	улуши,%
2012	83	-13,5	39,2	69,7	6	7,2
2013	83	0,0	32,1	-18,1	18	21,6
2014	82	-1,2	44,1	37,4	8	9,7
2015	288	251,2	88,2	100,0	11	3,8
2016	848	194,4	103,2	17,0	10	1,1
2017	609	-28,2	164,8	59,7	15	2,4
2018	542	-11,0	228,3	38,5	15	2,7
2019	832	53,5	223,1	-2,3	23	2,7
2020	837	0,6	456,3	104,5	29	3,4

3-жадвал маълумотларига кўра, 2012-2020 йилларда 4204 та давлатга қарашли корхона ва объектлар 1 379,3 млрд. сўм маблағ эвазига хусусий секторга сотилган. Таҳлил қилинган йилларда хусусийлаштирилаётган объектларни хорижий инвесторларга сотилаётган давлат активлари 135 тани ташкил қилган.

Муаллиф фикрича, давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки камайиш ўрнига акциядорлик капиталида давлат улуши йил сайин ошиб бориши динамикаси қайд этилмоқда. Давлат улуши мавжуд корхоналарга хорижий инвесторларни жалб қилишнинг муваффақияти, инвесторлар киритадиган инвестицияларидан оладиган қайтими ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Агар самара олинмаса, инвестициялашга рағбат ҳам бўлмайди.

Давлат улушининг юқори даражада сақлаб турилиши акциялар сотиш йўли билан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш имкониятини бермаяпти. Шунинг учун, давлат улуши мавжуд корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялашни молиялаштириш фақат давлат ёки кредит маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқда. Ушбу ҳолатни кимё саноати корхоналари мисолида кузатиш мумкин.

¹¹ Муаллиф ҳисоб-китоби.



3-расм. Кимё саноати томонидан жалб қилинган инвестициялар, фоиз ҳисобида¹²

«Ўзкимёсаноат» АЖ тизимидаги корхоналарга жалб қилинган инвестицияларнинг 86 фоизи, аслида, кредит маблағларидир. Дехқонобод калийли ўғит заводининг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш ҳукумат кафолати асосидаги хорижий кредитлар ҳисобига амалга оширилган лойиҳалардан биридир. «Дехқонобод калий заводи» АЖнинг Эксимбанкдан (ХХР) олган кредити бўйича мажбуриятлари ушбу корхонадан яна 10 йил давомида катта маблағ топишини талаб қилади.

3-жадвал

ХХРнинг “Эксимбанк”и кредит тўлов графиги, минг АҚШ доллари ҳисобида¹³

Кўрсаткичлар	2020 й.	2022 й.	2024 й.	2026 й.	2028 й.	2030 й.	Жами
Эксимбанк	12,6	12,1	11,7	11,2	7,9	7,6	138,1
1-босқич	3,2	3,1	3,1	2,8	-	-	27,6
Асосий қарздорлик	2,7	2,7	2,7	2,73			25,1
Фоизлари	0,5	0,4	0,2	0,1			2,6
2-босқич	9,3	8,9	8,6	8,3	7,9	7,6	110,3
Асосий қарздорлик	7,4	7,4	7,4	7,4	7,4	7,3	95,7
фоизлари	1,9	1,6	1,3	0,9	0,6	0,3	14,5

Шу билан бирга, кредит қарзининг ўрнига акциялар орқали устав фондига капитал жалб қилинганда, асосий қарз тўловлари учун корхона ўз айланма маблағларидан айрилмаган ва фоиз тўловлари бўйича катта маблағ тежаган, рентабеллик кўрсаткичларини сезиларли кўтарган ва ўз инвестицион жозибadorлигини оширган бўлар эди. «Дехқонобод калий заводи» АЖ аграр соҳа учун жуда зарур бўлган маҳсулот - асосий калий ўғитларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, маҳсулот ички бозорга ва экспортга чиқарилади. Бироқ, йилдан-йилга сотишдан соф тушум барқарор равишда ошиб боришига қарамай, корхона соф фойдаси ошмаган (4-расм).

¹² Муаллиф ишланмаси.


¹³ Муаллиф ҳисоб-китоби.



4-расм. «Дехқонобод калий заводи» АЖнинг молиявий кўрсаткичлари¹⁴

Узоқ муддатли дебитор қарздорликнинг ошиб кетиши ҳисобига корхона жорий активларидан деярли махрум бўлган, валюта курсидаги фарқ сабабли олинган зарар корхона соф фойдасига салбий таъсир кўрсатган, катта ҳажмдаги кредитнинг қайтарилиши жорий активларнинг энг ликвидли қисмини қисқартирган, кредит фоизлари эса корхона молиявий барқарорлиги ва самарадорлик кўрсаткичларининг тушишига сабаб бўлган.

Натижада, корхона ликвидлик кўрсаткичлари пасайиб кетган ва бу рентабеллик кўрсаткичларига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Мисол учун, «Дехқонобод калий заводи» АЖ сотиш рентабеллигининг қисқа муддатли ликвидлик коэффициентига боғланиши тадқиқ қилинганда (5-расм) улар орасида корреляция даражаси 0,9276 эканлиги топилди.



5-расм. «Дехқонобод калий заводи» АЖнинг 2013-2020 йилларда ўртача сотиш рентабеллиги кўрсаткичининг қисқа муддатли ликвидлик коэффициентига корреляцияси¹⁵

¹⁴ Муаллиф ишланмаси.


¹⁵ Муаллиф ишланмаси.

Молиявий фаолиятдаги салбий омиллар (кредит тўловлари ва валюта курси фарқидан зарарлар) сабабли активлар ликвидлигининг пасайиб кетиши бундан кейин ҳам муаммоларнинг чуқурлашувига сабаб бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, пул тақчиллиги сабабли заводнинг 2-босқич лойиҳаси тўлиқ якунланмаган, электр таъминотидаги ва осма канат йўли қурилиши ниҳоясига етмаган, хом ашё билан етарли таъминланмаган, ва натижада, асосий ишлаб чиқариш цехлари тўлиқ қувватда ишлай олмаяпти. Шу билан бирга, амортизация харажатлари жами асосий восита учун ҳисобланмоқда. Натижада корхона маҳсулотини экспорт қилиш имконияти ва корхона иқтисодий самарадорлиги тобора пасайиб бормоқда.

Мазкур салбий ҳолатдан чиқиш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ: корхонани хусусийлаштиришга хорижий инвесторларни жалб қилиш доирасида корхона устав капиталини ошириш ва янги акцияларни хорижий инвесторларга сотиш, акция сотилишидан тушган маблағни кредитнинг тўлиқ ёки катта қисмини қоплашга ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишга туширилишини таъминлашга йўналтириш. Ушбу тадбирлар амалга оширилиши натижасида, корхона фоиз тўловларидан қутилади ҳамда сотишдан соф тушум ҳажмининг ошишига эришилади.

Учинчи боб «Ўзбекистонда давлат мулкани хусусийлаштириш жараёнига хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш йўллари» деб номланиб, давлат мулкани хусусийлаштириш амалиётига хорижий инвесторларни жалб қилишда юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари, халқаро капитал бозорларидан хорижий инвесторларни хусусийлаштирилаётган корхоналарга жалб қилишни кенгайтириш йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Илмий изланиш жараёнида кимё саноати корхоналарида акцияларининг хорижий инвесторларга сотилиши натижасида рўй берган ўзгаришлар қиёсий таҳлил қилинган.



6-расм. «Дехқонобод калий заводи» АЖ ва «Максам-Чирчик» АЖнинг асосий фаолият кўрсаткичлари, млрд. сўмда¹⁶

¹⁶ Муаллиф ишланмаси.

6-расмга кўра, «Максам-Чирчик» корхонаси акцияларини хорижий компанияга сотилиши эвазига корхонанинг бошқарув фаолиятида ва иқтисодий кўрсаткичларида ўзгаришлар рўй берган. Жамият акцияларининг 49 фоизи Испаниянинг «Махам Corp. International S.L»га инвестиция киритиш шарти билан сотилган. «Максам-Чирчик» АЖнинг соф фойдаси 2017 йилда 57,4 млрдда бўлган бўлса, 2018 йилда 123,3 млрд.сўмгача ошган. Жамиятнинг рентабеллик кўрсаткичлари 2017 йил 9,19 % бўлган бўлса, 2018 йилда 13,24%ни ташкил қилган. «Дехқонобод калий заводи»нинг рентабеллик кўрсаткичлари 2017 йилда 0,18%, 2018 йилда 0,1% ни ташкил қилган.

Муаллифнинг фикрича, «Дехқонобод калий заводи» АЖ бошқарув тизимида, хусусан молиявий ва инвестицион менежмент соҳасида жиддий муаммолар мавжуд бўлиб, уларни бартараф қилиш ва «Максам-Чирчик» АЖ каби корпоратив бошқарувга босқичма-босқич ўтиш жараёнида хорижий эксперт ва мутахассисларни «хедхантер» тизими ва очиқ конкурслар орқали жалб қилиш ва уларга керакли шароитлар яратиб бериш учун корпоратив бошқарув ва назорат органлари аъзолари меҳнатини тақдирлаш икки компонентли: бизнес-режа бажарилиши даражасига қараб ва режадан ошиқ соф фойда олиниши даражасига кўра ажратилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон корхоналарини хусусийлаштириш жараёнига хорижий инвесторларни жалб қилишда, биринчи ўриндаги аҳамиятли масала - бу корхонани адолатли баҳолашдир. Бизнесдаги улушни баҳолашда Ўзбекистон Республикасининг ягона миллий баҳолаш стандартига¹⁷биноан, харажат (соф активлар) усули, даромад (йиллик даромаднинг минимал даромадлилик ставкасига нисбати) усули қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ягона миллий баҳолаш стандартида «Дехқонобод калий заводи» АЖ каби мажбуриятлари соф активларига нисбатан анча юқори бўлган ҳолат учун: «Капитали оддий акциялар ва мажбуриятлардан иборат бизнеснинг оддий акциялари соф активлар усули орқали баҳоланиши мумкин. Бироқ, бу усулни барча ҳолларда ҳам қўллаш тўғри бўлмайди. Масалан, юқори левераджли корхоналарни баҳолашда қўллаб бўлмайди.» деб ёзилган (225-банд). Шу билан бирга, мазкур стандартнинг

